

У.В. Гафуров

КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ИМТИЁЗЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

В статье рассматриваются теоретические основы поддержки субъектов малого бизнеса, определения эффективности и количественных границ предоставляемых государством льгот и преференций.

This article contains objective necessity of granting of preferences by the government for supportive purpose of small business entities, sense of compensative and priority preferences, estimating of economic efficiency of preferences, maximizing of utility from preferences by the government.

Калим сўзлар: имтиёз, божхона тўловлари, молиявий имтиёзлар, иқтисодий самарадорлик, миқдорий чегаралар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, иқтисодий ўсиш юқори ва барқарор суръатларининг таъминланиши, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасининг изчил равишда ўсиб бориши кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг тараққиётига устувор аҳамият қаратилаётганига боғлиқ. Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада: **“Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз”** [1] – деб берилган баҳо ушбу фикрнинг яққол далилидир.

Иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ролининг ошиб бориши, жумладан, унинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 1992 йилдаги 1,5 фоиздан 2012 йилда 54,6 фоизга етишида мазкур соҳага давлат томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар, енгиллик ва имтиёзларнинг аҳамияти каттадир.

Шу ўринда, кичик бизнес субъектларига бериладиган имтиёз ва преференцияларнинг мазмуни, самарадорлиги ва миқдорий чегараларини белгилашнинг назарий асосларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга турли имтиёзлар беришнинг объектив зарурлигини энг аввало қуйидаги иккита сабаб билан изоҳлаш мумкин:

1) давлатнинг асосий иқтисодий вазифаларидан бири иқтисодиётдаги барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг иқтисодий шароит яратишдан иборат эканлиги;

2) хўжалик юретишнинг муҳим шакли сифатидаги кичик бизнеснинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий афзалликларга эгаллиги.

Маълумки, кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тадбиркорларни ўз ичига олувчи кичик бизнес субъектларининг самарали хўжалик юретиш имкониятлари йирик корхоналарга нисбатан чекланган. Йирик корхона ўзининг иқтисодий ва молиявий қувватидан келиб чиққан ҳолда кўплаб хўжалик юретиш шарт-шароитларини ўзи мустақил таъминлаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қила олиш имконига эга. Жумладан:

- хўжалик юретиш фаолияти ҳамда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш учун моддий техника базаси (бино, иншоотлар, узатиш мосламалари, асбоб-ускуналар ва бошқалар)ни таъминлаш;

- хом ашё ва материаллар, электр энергияси, сув, табиий газ ва бошқа ресурслар билан таъминлаш;

- автомобиль йўллари, темир йўллари, омборлар ва бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш;

- молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришда ички ва ташқи манбалардан фойдаланиш;

- иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича ўзининг алоҳида маслаҳат хизматларини ташкил этиш ёки бу борадаги махсус ташкилотлар хизматларидан фойдаланиш ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларининг бу каби ташкилий-иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароит ҳамда хизматлардан фойдаланишида кўплаб тўсиқ ва муаммолар учрайди. Биринчидан, ушбу соҳа вакиллари ўз фаолиятини ташкил этишда аксарият ҳолларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммосига дуч келадилар. Кўпинча ўзларининг хусусий маблағлари бўлмагани ҳолда, бошқа молиявий институтлар уларга қарз беришга доимо ҳам хайрихоҳлик билдиравермайдилар. Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари фаолиятини мустақил йўлга қўйиш катта маблағ талаб этади. Учинчидан, кичик бизнес субъектларида ушбу хизматлардан мунтазам равишда фойдаланиш учун эҳтиёж ҳам мавжуд бўлмайди ва ҳ.к.

Юқоридаги ҳолатлар кичик бизнес субъектларини йирик корхоналарга нисбатан иқтисодий жиҳатдан тенг бўлмаган шароитга солиб қўйиши оқибатида уларнинг рақобатбардошлигини пасайтиради. Мазкур ҳолатни қуйидаги тенгсизлик орқали ифодалаш мумкин:

$$ec_{bb} > ec_{sb}, \quad (1)$$

бу ерда:

ec_{bb} (*economic condition big business*) – йирик корхоналар (бизнес) фаолиятининг иқтисодий шарт-шароитлари;

ec_{sb} (*economic condition small business*) – кичик бизнес субъектлари фаолиятининг иқтисодий шарт-шароитлари.

Давлат, олдинги ўринларда таъкидланганидек, энг аввало хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида объектив сабабларга кўра вужудга келувчи

бундай иқтисодий нотенгликни бартараф этиши лозим. Бунинг энг самарали воситаларидан бири – йирик корхоналарга нисбатан иқтисодий нотенгликни компенсациялаш мақсадида кичик бизнес субъектларига турли кўринишдаги имтиёзлар бериш ва қулайликлар яратиш ҳисобланади. Демак, компенсацияловчи имтиёзлар (p_{comp} - *preference compensative*) хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг иқтисодий шароитларини таъминлаш мақсадида объектив сабабларга кўра имкониятлари чекланганларга ўртадаги тафовутни йўқотиш мақсадида берилади. Кичик бизнес субъектларига компенсацияловчи имтиёзлар тақдим этилиши натижасида улар фаолиятининг иқтисодий шарт-шароитлари йирик корхоналар фаолиятининг иқтисодий шарт-шароитлари билан бирхиллашади, яъни:

$$ec_{bb} = ec_{sb} + p_{comp}. \quad (2)$$

Бироқ, кичик бизнес субъектлари фаолият юритиш шарт-шароитларининг бошқа йирик хўжалик юритувчи субъектлар шароитлари тенглаштирилишининг ўзи ҳали улар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун етарли эмас. Чунки, кичик бизнеснинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, бюджет тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби ўзига хос афзалликларидан имкон қадар кенгроқ фойдаланиш зарурияти мазкур соҳага кўшимча имтиёз ва қулайликлар берилишини тақозо этади.

Шунга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига компенсацияловчи имтиёзлар билан бир қаторда устунлик берувчи имтиёзлар (p_{pr} - *preference priority*)ни ҳам тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг мақсади иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва соҳаларида айрим хўжалик юритувчи субъектлар (бу ўринда кичик бизнес)нинг салоҳияти ва ижобий самараларидан имкон қадар кенгроқ фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Устунлик берувчи имтиёзларнинг тақдим этилиши натижасида кичик бизнеснинг фаолият юритиш шарт-шароитлари бошқа йирик корхоналар шароитларига нисбатан кенгаяди, яъни:

$$ec_{sb} + p_{comp} + p_{pr} > ec_{bb}. \quad (3)$$

Демак, давлат томонидан кичик бизнес субъектларига берилувчи умумий имтиёзлар (p_t - *preference total*) ўзининг рағбатлантирувчи ролига кўра $p_t = p_{comp} + p_{pr}$ дан иборат бўлади. Айни пайтда, умумий имтиёзлар ўзининг йўналишига кўра фарқ қилувчи бир қатор алоҳида имтиёзларни ўз ичига олади:

$$p_t = p_{tax} + p_c + p_f + \dots + p_n = \sum_{i=1}^n p_i, \quad (4)$$

бу ерда: p_{tax} – солиқ имтиёзлари;

p_c – божхона тўловлари бўйича имтиёзлар;

p_f – молиявий имтиёзлар;


n – имтиёз турлари.

Замонавий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда кўплаб восита ва дастаклар каторида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига кўра “бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади” [2]. Солиқ имтиёзларининг зарурлиги уларнинг рағбатлантирувчилик роли билан изоҳланиб, уларнинг мазкур хусусиятини сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади.

Солиқ имтиёзлари қуйидагиларга бўлинади:

1) солиққа тортиш субъекти бўйича имтиёзлар (муайян солиқ тўловчига имтиёз тақдим этилган ҳолда);

2) солиққа тортиш объекти бўйича имтиёзлар (солиқ тўловчининг муайян объекти солиқ тўлашдан чиқарилган ҳолда) (1-расм).



1-расм. Солиқ имтиёзларининг туркумланиши [3].

Ҳозирги даврда солиққа тортишнинг объекти бўйича солиқ имтиёзларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) истисно қилиш – солиққа тортиш алоҳида объектлари (предметлари)ни солиққа тортилишидан чиқаришга йўналтирилган солиқ имтиёзи;

2) чегирма бериш – солиқ базасини камайтиришга йўналтирилган имтиёзлар. Масалан, юридик шахсларнинг солиққа тортилувчи даромади давлат ва жамият томонидан кўллаб-қувватланувчи мақсадларга (экологик,

соғломлаштирувчи, хайрия фондларига бадаллар ва ҳ.к.) қилинган сарфлар суммасига камайтирилади;

3) солиқ кредити – солиқ ставкаси ёки бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтиришга йўналтирилган имтиёзлар. Солиқ кредити доимий ёки вақтинчалик асосда берилиши мумкин.

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган эътибор, хусусан, берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар соҳанинг тараққийлашишида, иқтисодиёт ўсишидаги улушининг кўпайишида намоён бўлмоқда. 2005 йилдан амалда бўлган, соддалаштирилган тартибдаги ягона солиқ тўлови тадбиркорларга катта қулайлик яратди. Агар ягона солиқ тўловининг аввалги тартибдаги солиқ солишда 1996 йилда солиқ ставкаси 38 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб ягона солиқ тўлови 6 фоизни ташкил қилди ёки 1996 йилга нисбатан 6,3 марта қисқарди. 2012 йилдан эса саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоизни ташкил қилди. Ягона солиқ тўлови ставкасининг бу қадар туширилиши корхоналар фойдаларини сезиларли равишда оширди. Бунга биргина мисол, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши натижасида қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағ корхоналарнинг ўзида қолди. Бу эса ушбу маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имконини берди. Шу билан бир қаторда корхоналар фойдасини ҳам оширди [4].

Солиқ имтиёзлари тўғрисида фикр юритганда уларнинг ҳар доим ҳам фақат ижобий таъсир касб этмаслиги борасидаги айрим мулоҳазалар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Масалан, профессор Т.Маликов жаҳон илғор тажрибаси узил-кесил тасдиқлаган ва солиқ имтиёзларига хос бўлган қуйидаги айрим салбий жиҳатларни ажратиб кўрсатади:

- солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга эришилмаган. Уларнинг самарадорлиги эса муайян бир харажатларни ёки дастурларни бюджетдан бевосита мақсадли (очиқ-ойдин ва енгил, осон бошқариладиган) молиялаштириш орқали эришиладиган натижалар билан таққослаганда сезиларли даражада паст бўлган;

- солиқ имтиёзлари иқтисодий агентларнинг тенг рақобат қила олиш принципини бузади, бу эса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрстади;

- солиқ имтиёзларига эга бўлган субъектлар ривожланишга бўлган интилишни йўқотадилар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;


- имтиёзга эга бўлмаган субъектлар ҳар қандай йўл билан бўлсада, уни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар;

- солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштиради ва коррупцияга имкон яратади;

- бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилиш жуда мураккаб ҳисобланади [5].

Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тақдим этилаётган барча имтиёзларни ҳам миқдоран ифодалаш мумкин эмас. Масалан, давлат рўйхатига олиш жараёнларининг соддалаштирилиши, турли рухсат бериш жараёнларидаги енгилликлар, солиқ ва бошқа тўловларнинг ихчамлаштирилиши каби имтиёзларни ҳар доим ҳам миқдор жиҳатидан баҳолаб бўлмаслиги мумкин.

Компенсацияловчи ва устунлик берувчи имтиёзларнинг кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришдаги ролини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (2-расм).




2-расм. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда компенсацияловчи ва устунлик берувчи имтиёзларнинг роли

Расмдан кўринадики, иқтисодиётнинг аксарият хўжалик юритувчи субъектлари (бу ўринда йирик бизнес корхоналари) учун мавжуд иқтисодий шароит меъёрдаги шароит ҳисобланади (ec_{bb} чегараси). Кичик бизнес иқтисодий имкониятларининг чекланганлиги сабабли унинг эгри чизиғи (ec_{sb} чегараси) меъёрдаги иқтисодий шароит эгри чизиғидан чап томонда жойлашган. Бу ўринда иқтисодий жиҳатдан тенг имкониятни таъминлаш учун компенсацияловчи имтиёзлар (p_{comp}) қўлланилади. Бироқ, давлатнинг иқтисодий сиёсатида кичик бизнесга алоҳида устуворлик берилиши, яъни унинг ўзига хос иқтисодий афзалликларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришга ҳаракат қилиниши мумкин. Бундай ҳолда давлат қўшимча равишда устунлик берувчи имтиёзлар (p_{pr})дан фойдаланиб, улар учун иқтисодий шарт-шароитни имтиёзли чегара ec_g (*economic condition by government*) га қадар кенгайтиради.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, ec_g чегарани ҳам маълум даражага қадар кенгайтириш мумкин бўлиб, имтиёзлар ҳажмининг мазкур чегарадан ошиб кетиши иқтисодиётда муайян салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, кичик бизнес субъектларига берилаётган имтиёзларнинг

умумий иқтисодиёт учун энг юқори самара келтириши мумкин бўлган чегарасини назарий жиҳатдан аниқлаш муҳим ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Кичик бизнес субъектларига бериладиган имтиёзларнинг миллий иқтисодиётга келтирувчи самарасининг график ифодаси

Расмдан кўринадики, кичик бизнес субъектлари учун бериладиган имтиёзлар миллий иқтисодиётга келтириши мумкин бўлган самара ҳажми имтиёзларнинг p_{min} нуктасидан p_{opt} нуктасига қадар бўлган чегарада ўсиб бориб, p_{opt} нуктада ўзининг энг юқори ҳажми e_{max} га етади. p_{opt} дан p_{max} га қадар бўлган чегарада миллий иқтисодиётга келувчи самара ҳажми пасайиб боради.

Кичик бизнесга тақдим этилувчи имтиёзларнинг маълум чегарадан кейин миллий иқтисодиётга келтирувчи самарасининг пасайиб бориши, ва ҳатто, имтиёзларнинг энг юқори чегарасида (бу ўринда p_{max} нуктаси соф назарий ҳолат бўлиб, унда кичик бизнес субъектлари ҳар қандай солиқ ва мажбурий тўловлар тўлаш, рухсат бериш, назорат қилиш тартиб-қоидаларидан озод қилиниб, аксинча, турли молиявий ёрдам ва кредитлар энг юқори ҳажмда тақдим этилади) 0 га тенг бўлиши қатор сабаблар билан изоҳланади.

Энг аввало, мазкур натижа имтиёзларнинг ҳаддан ташқари юқори чегарасида кичик бизнес субъектлари фаолияти миллий иқтисодиётга умуман самара келтирмайди, деган маънони англатмайди. Балки, ушбу соҳа келтирадиган иқтисодий самара асосиз ва маъёрдан ортиқ берилган имтиёзлар оқибатида миллий иқтисодиётда вужудга келувчи йўқотишларга нисбатан кичрайиб боради ва маълум чегарада умуман барҳам топади.

Бунга юқорида келтириб ўтилган солиқ имтиёзларига хос бўлган салбий жиҳатлар билан бир қаторда кичик бизнесга белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш мақсадида йирик корхоналарнинг ўз фаолиятини сунъий равишда майдалаштириш, яъни кичик корхона кўринишида ташкил этишга уриниш ҳолатларининг пайдо бўлишини ҳам мисол келтириш мумкин. Натижада, йирик ишлаб чиқаришни ташкил этиш чоғида олиниши мумкин бўлган миқёс самараси бой берилди ва бу пировардида миллий иқтисодиётнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёзларнинг иқтисодий самарадорлиги E_p (*effectiveness of preference*)ни баҳолаб бориш муҳим

масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, иқтисодий шарт-шароитлар ўзгариб бориши билан имтиёзларнинг муайян турининг кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантириш бўйича таъсири ва ундан олинган натижа ҳам ўзгариши мумкин. Бунда имтиёз берилиши туфайли қўлга киритилган натижа, яъни кичик бизнес субъекти фаолиятининг имтиёзли ҳолатдаги натижаси Rpp (*preferential position result*) билан оддий (имтиёзсиз) ҳолатдаги натижаси Rnp (*neutral position result*) ўртасидаги тафовутни имтиёз тақдим этиш муносабати билан юзага келган харажатлар Cp (*costs on to preference*) га нисбати аниқланади. Кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёзларининг хилма-хиллиги ҳамда қўлланиш тавсифининг фарқланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг муайян тури самарадорлигини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Ep_i = \frac{Rpp_i - Rnp_i}{Cp_i}, \quad (5)$$

бу ерда:

Ep_i - кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган i турдаги имтиёзнинг иқтисодий самарадорлиги;

Rpp_i - i турдаги имтиёз қўлланилган ҳолатдаги фаолият натижаси;

Rnp_i - оддий (i турдаги имтиёз қўлланилмаган) ҳолатдаги фаолият натижаси;

Cp_i - i турдаги имтиёзни қўллаш билан боғлиқ сарф-харажатлар.

Бундан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектларига берилаётган барча имтиёз ва энгилликларнинг умумий самарадорлиги Ep_t ни қуйидаги формула орқали баҳолаш мумкин:

$$Ep_t = \frac{Rpp_i - Rnp_i}{Cp_i} + \frac{Rpp_j - Rnp_j}{Cp_j} + \dots + \frac{Rpp_n - Rnp_n}{Cp_n} = \sum_{i=1}^n \frac{Rpp_i - Rnp_i}{Cp_i}. \quad (6)$$

Давлат томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёз ва энгилликларни белгилашда имкон қадар уларнинг энг юқори самарадорликни таъминловчи турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда давлатнинг хатти-ҳаракатини истеъмолчининг нафлиликни максималлаштириш қондаси асосида амалга ошувчи хатти-ҳаракати мисолида изоҳлаш мумкин. Маълумки, истеъмолчининг даромади ҳар бир маҳсулотни сотиб олишга сарфлаган сўнгги бирлик маблағ бир хил миқдордаги қўшимча қониқиш олишни таъминлайдиган тарзда тақсимланганда истеъмолчининг нафлилиги максималлаштирилган бўлади. Давлат кичик бизнес субъектларига турли имтиёз ва энгилликлар тақдим этиш орқали миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш кўринишидаги маълум нафлиликка эга бўлади. У ҳам, оддий истеъмолчи сингари, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар кўринишидаги ўз сарф-харажатларининг ҳар бир сўнгги бирлигига бир хил миқдордаги қўшимча нафлиликни қўлга киритишга

интилиши лозим. Ушбу ҳолатни нафлиликни максималлаштириш қондаси формуласи ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{MU_{p_i}}{C_{p_i}} = \frac{MU_{p_j}}{C_{p_j}} = \dots = \frac{MU_{p_n}}{C_{p_n}}, \quad (7)$$

бу ерда:

MU (*marginal utility*) – сўнгги қўшилган нафлилик.

Демак, бундан кўринадики, давлат кичик бизнес субъектларига берилувчи имтиёзларнинг шундай турларини танлаб олиши лозимки, пировардида ушбу имтиёзлардан фойдаланиш орқали миллий иқтисодиётга келаётган сўнгги қўшилган нафлилик ўзаро тенг бўлсин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда имтиёзлар муҳим ўрин тутди, шунга кўра имтиёзлар беришга давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида ёндашиш керак;

- имтиёзларни беришда асосий эътибор қаратиладиган жиҳат – уларнинг рағбатлантирувчилик таъсирининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик зарур;

- имтиёзлар ҳар бир турининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни ўзаро узвий боғлиқликда ва кетма-кетликда қўллаш, бунда ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича энг юқори самарага эришиш мумкин бўлган имтиёз туридан фойдаланиш лозим;

- имтиёзларнинг таъсирини мунтазам равишда таҳлил қилиб, уларнинг самарадорлигини баҳолаб бориш ҳамда шароитлар ўзгариши туфайли ушбу таъсир пасайганда уларни ўзгартириш бўйича чораларнинг ўз вақтида қўлланиши муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли имтиёз ва енгилликларни тақдим этишда юқорида баён этилган назарий қоидаларнинг эътиборга олиниши мазкур жараёнлар самарадорлигини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 30-модда // <http://www.lex.uz>.

3. Жадвал муаллиф томонидан қуйидаги манба асосида тузилган: Завалишина И.А. Налоги: Теория и практика. – Т.: Издательский дом “Мир экономики и права”, 2004, с.15-17.

4. Ҳайдаров А. Ўзбекистонда солиқ ислохотлари // Газета “Биржа”, №70 (1481) 16 июня 2012 г. - <http://www.idbirja.uz/>.

5. Маликов Т.С. Солиқ имтиёзлари хусусида баъзи мулоҳазалар // “Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари, Тошкент молия институти, Ўзбекистон Миллий университети. 2011 йил 26 февраль. – Т., 2011, 28-б.